

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 3-sentabr, chorshanba № 70 (15812)

## ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

### Ассалому алайкум, азиз ва муқтарам Ислом Абдуғаниевич!

Менинг камтарона хизматларимни Ватанимизнинг юксак мукофоти бўлмиш «Эл-юрт хурмати» орденига муносиб топганингиздан бошим осмонга етиб, чексиз қувонч ва миннатдорлигимни сўз билан ифодалашга ожизман.

Сиз мен учун дунё тан олган донишманд сиёсатчи, улуг бир халқнинг буюк раҳнамосигина эмас, менга наҳот, кучқувват, илҳом, умид ва ишонч берган улуг Инсонсиз.

Мен каби ҳали оқни қорадан ажрата олмайдиган, гўр бир йигитнинг ҳаётда тўғри йўлни, ўз ўрнини, санъатда ҳам ўз йўлини топишига Сизнинг оталарча меҳрингиз ва доимий эътиборингиз сабаб бўлганини ҳеч қачон унутмайман. Сизнинг ҳаётингиз, ақл-заковатингиз, беқиёс инсоний салоҳиятингиздан ўзим учун туганмас қувват, илҳом оламан. Сизни кўриш ниятида ҳар куни телевизорда «Ахборот»ни кутаман, ҳароратли сўзларингиз, маърузаларингизни тинглаб ижодий йўналишимни белгилаб олишга интиламан.

2007 йилда менга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонини берганингизда «Сен саҳнага чиққанингизда одамларнинг, ёшларнинг кўзига қарайсанми? Уларнинг кўзида нималарни кўрасан?» деб сўраган эдингиз. Очиги, мен ўшанда ҳаяжонланиб, бу саволингизга тайинли бир жавоб бера олмаган эдим.

Илгари бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрмаган, санъаткорнинг вазифаси фақат яхши кўшиқ айтишдан иборат, деб юрар эканман. Инсоннинг кўнглидаги туйғуларни, энг аввало, кўзи кўрсатишини, кўшиқ инсон қалбига энг яқин йўл эканини ана шу саволингиздан кейин тушуниб етдим.

Мен мамлакатимизнинг жуда кўп қишлоқ-шаҳарларида, фермер хўжаликлари, йирик корхоналарда, таълим масканлари, ҳарбий қисмларда ижодий сафарларда бўлганимда одамларнинг кўзларини кузатаман, уларда хурсандчилик, эртанги кунга ишонч, ҳаётдан розиликни кўраман. Баъзан улар менинг ёнимга келиб, Президентимизни кўрсангиз, у кишига бизнинг саломимиз ва миннатдорчилигимизни етказинг, деб илтимос қилишади.

Мен соддадил ва самимий, айна вақтда Сиз амалга ошираётган буюк ислохотлар моҳиятини англаган халқимизнинг Сизга бўлган чексиз эътиқодидан, ишончу ихлойдан, меҳридан яна хурсанд бўламан.

Одамларимиз дунёга очиқ кўз билан қараб, юртимиздаги тинчлик учун Сиздан миннатдор. «Энг катта бойлигимиз — тинчлик-осойишталик, шу бойликни асрашимиз керак», деган сўзларингизни такрор-такрор айтишларига мен гувоҳман.

Мен ҳам ижодий сафарлар чоғида, катта-кичик учрашувларда Ўзбекистонимизнинг бугунги зафарлари ўз-ўзидан кўлга киритилмаётганлигини, бу борада Сизнинг оқилона сиёсатингиз, жасорат ва шижоатингиз асос эканлиги ҳақида баҳоли қудрат сўз юритишга интиламан.

Ана шундай давраларда ёшларимиз, навқирон ука-сингилларимизнинг шундай гўзал, обод юртда эркин яшаётгани, ҳаётда ўз бахтини топаётган ёш авлоднинг Сизга бўлган юксак хурмати, Сиз билан ҳақли равишда фахрланишларини кўриб, очигини айтсам, менинг ва барча ижодкор дўстларимизнинг қалбимизда баланд руҳ, жўшқин илҳом пайдо бўлади.

Бундай ифтихор туйғуси биргина менинг юрагимда эмас, мамлакатимиздаги миллионлаб ёшларнинг юрагидан кундан-кун барқ уриб ўсмоқда.

Сиздан умримнинг охиригача қарздорман, Сизга, Ватаним ва халқимга тинимсиз, жону дилим билан хизмат қилишга тайёрман.

Сиз бизга инъом этган энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 23 йиллик тўйи муборак бўлсин!

Эл-юртимиз бахтига, бизнинг бахтимизга азиз бошингиз омон бўлсин!

Хурмат ва эҳтиром билан,  
Озодбек Назарбеков



Рустам Назарматов олган сурат

## Ёш геологларимиз электрон харита яратмоқда

Қизик парадокс: ер ҳақидаги тўлиқ маълумотни космосдан олиш мумкин. Ким ҳам ўйлабди дейсиз? Масалан, геологлар аэрокосмик суратларга қараб янги конларни, уларда қандай ва қанча фойдали қазилмалар борлигини аниқлайди. Бу бўйича фанда ҳатто алоҳида йўналиш — аэрокосмогеология вужудга келган. Аэрокосмогеологлар юртимизда ҳам бор. Улардан бири ёш, истижобли мутахассис — Шаҳноза Убайдуллаева.

Тенгдошимиз «Ерни масофадан зондлаш ва ГИС-технологиялар маркази» давлат корхонасида фаолият кўрсатади. У материалларнинг космогеологик талқини бўлимида етакчи мутахассис.

Айна вақтда бу ерда аэрокосмик суратлар асосида электрон хариталар ишлаб чиқилляпти. Бир сўз билан айтганда, юртимиз геологлари янги дастурий маҳсулот яратмоқда. Электрон ха-

риталар фойдали қазилмаларни аниқлаш ва ўзлаштиришда ишончли манба ҳисобланиб, геологик қидирув ишларини аниқлик билан олиб бориш имконини беради.

— Тадқиқот давомида республикамизнинг барча ҳудудлари учун 1:500000 масштабдаги электрон геологик хариталар яратиш кўзда тутилган, — дейди Шаҳноза. — Бу иш Давлат геология қўмитаси буюртмаси асосида амалга оширилмоқда. Унинг амалий аҳамияти ниҳоятда катта. Гап шундаки,

амалдаги хариталарнинг аксарияти жуда эски. Айримлари 20-30 йилдан буён янгиланмаган. Табиат эса ўзгариб борапти. Табиий офатлар, инсон фаолияти ва бошқа омиллар ландшафт хусусиятига ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, вақт ўтиши билан дарё оқимининг ўзгариши, ирмоқлар қуриши, ернинг муайян қатламида ёриқ ёки янги геологик қатлам ҳосил бўлиши мумкин. Демак, хариталардаги маълумотларни мунтазам янгилаб туриш керак.

(Давоми 3-саҳифада)

## Kun mavzusi

# Мустақимлик дарси — янги билим ва ютуқлар дебодаси

Куни кеча мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида навбатдаги янги ўқув йили бошланди. Ўқувчию талабалар жонахон мактаб, лицей, коллеж ёки олий таълим муассасаси сари ҳаяжон билан одимлайди.

Анъанага кўра, янги ўқув йили биринчи кўн-ғироқ жарангидан сўнг илк сабоқ — «Мустақиллик дарси» билан бошланди. Бу, айниқса, биринчи синф ёки биринчи курсга ўқишга қабул қилинган ўқувчи ва талабаларнинг ҳаётида унутилмас саҳифа очгани шубҳасиз. Янги ўқув йилида юртимизда 587 минг нафар ўғил-қиз умумтаълим мактабларининг биринчи синфига қадам қўйди. Таълим масканларида янги ўқув йилига пухта ҳозирлик қўрилди. 2014-2015 ўқув йили учун чоп этилган 605 номдаги 34,5 миллион нусхада дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар жойларга етказилди.

Инвестиция дастури асосида бу йил 381 мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан спорт иншоотлари, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ва реконструкция қилишга 209,1 миллиард сўм маблағ сарфланди. Таълим муассасаларини янги мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, спорт инвентарлари ва мусиқа асбоблари билан жиҳозлаш жараёни ҳам жадал суръатда давом эттирилди.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 173-умумтаълим мактабда

ҳам янги ўқув йили муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Байрамона безатилган таълим масканига энг улуғ, энг азиз байрам арафасида мукофотланган ҳамюртларимиз, маҳалла фаоллари, оналар таклиф этилди. Ушбу тантанада ўқувчи-ёшлар она юртимиз, озод ва обод, фаровон ҳаётимиз, истиқлолни тараннум этувчи шеърлар ўқиди, кўшиқлар куйлади.

Илғор тажрибага эга, таълим жараёнига инновацион педагогик технологияларни татбиқ этган фидойи ўқитувчилар ва билимлар беллашувида муносиб иштирок этган фаол ўқувчиларга фахрий ёрлиқлар топширилди.

— «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида мактабимизнинг бошланғич синф ўқувчилари учун «Қадри



баланд Ватаним ўзинг», «Шу азиз Ватан — барчамизники», «Ватан ягонадир, Ватан биттадир», юқори синфларда «Истиқлолга бўйлашган иншоотлар», «Ўзбекистон — тенги йўқ диёр», «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг мустақиллигимиздаги роли ва аҳамияти» мавзуларида «Мустақиллик дарслари»ни ўтдик, — дейди мактаб директори Зулайхо Камолова. — Ушбу дарс машғулотида халқимизнинг истиқлолга эришишда оғир синов ва қийинчиликларга қарамай, мураккаб ва машаққатли йўлни бо-

сиб ўтгани ва у туфайли фаровон кунларга етганимиз, шаъну шавкати- миз, миллий онгимиз ва кадр-қимматимиз тикланиб, муқаддас она заминимиз, ер ости, ер усти бойликларимиз, тилимиз, динимиз, урф-одатларимизни қайтаргани билан ҳам Мустақиллик ҳаётимизда бебаҳо қий- матга эга экани ўқувчиларга ҳаётининг ва таъсирчан мисоллар, илғор педагогик усул ва методлар асосида тушунтирилди.

2 сентябрь — Билимлар кунини ўн икки номдаги ўқув қуролларидан иборат «Президент сов- фаси»ни қабул қилиб ол-

ган мазкур мактабдаги юз нафар биринчи синф ўқувчисининг севинчини гулгун чехрасидан англаб олиш қийин эмас. Дунё хайратига сабаб бўлаётган мамлакатимизда ёш авлод камолоти ва истиқболи йўлида амалга оширилаётган бундай эзгу ишларимизнинг юқори натижа ва самаралари ўзини куттираётгани йўқ. «Мустақиллик дарси» янги билим, ютуқ ва марралар, улкан муваффақиятларга янада илҳомлантиради.

**Дилшод РЎЗИКУЛОВ.**  
Рустам Назарматов  
олган сурат.

## Ёш спортчилар шарафланди

Пойтахтимизда 2014 йилнинг 16-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган II ўсмирлар Олимпиадасида муваффақиятли иштирок этган бир гуруҳ ёш спортчиларимизни шарафлашга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.



«Nankin — 2014»

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия кўмитаси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда ёш спортчиларимиз билан биргаликда уларнинг ота-оналари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, журналистлар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазири М.Ҳожиматов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, Юнусобод тумани ҳокими Ш.Азизжонов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш мақсадида спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор юқсак таъкидлади. Бу спортчиларимизнинг жаҳон ареналарида эришаётган муваффа-

қиятларида ўз ифодасини топмоқда.

Нанкин Олимпиадасида 28 нафар ёш спортчимиз бадий гимнастика, бокс, дзюдо, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, сузиш, таэквондо (WTF), трамполин, ўқ отиш, академик эшак эшиш, байдарка ва каноэда эшак эшиш, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ташкил этилган мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, 4 олтин, 3 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритгани энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига муносиб тўхфа бўлди.

Тадбирда II ўсмирлар Олимпиадасида иштирок этган пойтахтлик ёш спортчилар ва уларнинг оила аъзоларига эсдалик совғалари топширилди.

— Бундай тадбирлар спортчиларни янада юқсак ғалабаларга илҳомлантиради, — дейди II ўсмирлар Олимпиадаси соврин-

дори Темур Қодиров. — Халқаро мусобақаларда Ватан шарафини ҳимоя қилиш ҳар бир спортчи учун катта бахт ва менга ҳам шундай қувонч насиб этганидан жуда хурсандман.

— Ўғлим Владимир Олимпиада олтин медалини қўлга киритганини эшитиб, кўзимга қувонч ёшлари келди, — дейди Оксана Свечникова. — Она учун фарзандини Эл-юртга наф келтирадиган, Ватанига садоқатли инсон бўлиб вояга етказишдан ортиқ бахт йўқ. Мен ўзимни бахтли она ҳисоблайман. Фарзандларимизнинг баркамол бўлиб вояга етаётгани Президентимиз Ислам Каримовнинг ёшларга қаратаётган алоҳида эътибори, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва етарли шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар туфайлидир.

**Жавоҳир ТОШҲҲАЕВ,**  
ЎЗА мухбири

## Madaniyat

Ёш авлод қалбида миллий ва умуминсоний қадриятлар, бебаҳо тарихий ва маданий меросга ҳурмат, ғурур-ифтихор, Ватанга садоқат туйғуларини шакллантиришда музейларимиз муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиклигини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори бетақдор тарихий меросимизни асраб-авайлаш, ёш авлодни миллий маданият тарихи билан ғурурланиш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

## Миллий қадриятлар намоёиши

Пойтахтимизнинг Темуррийлар тарихи давлат музейида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида «Музейлар ҳафталиги»нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда истиқлол йилларида миллатимиз фахрига айланган улуғ аجدодларимиз хотирасини абадийлаштириш, улар қолдирган бой маданий мерос, тарихий ёдгорликларни авлодларга етказиш мақсадида мамлакатимиздаги музейлар фаолияти янада ривожлантирилаётгани таъкидланди. Юртимизда ўндан зиёд музейларнинг, хусусан, Термиз археология музейи, Олимпия шон-шухрати ва бошқа музейларнинг ташкил этилиши бу борада амалга оширилган ишларнинг изчиллигини кўрсатади.

«Музейлар ҳафталиги» давомида республикамиздаги қирқ битта музейда маданий-маърифий тадбирлар, маҳорат дарслари, викторина ва учрашувлар ўтказилмоқда. Жумладан, «Мустақиллик — миллий ғуруримиз», «Юртим жилоси», «Мустақиллик йилларида Андижон» каби 52та кўргазманинг очилиши, 22та давра суҳбати ва учрашув, етти илмий-амалий семинар, олти «Мустақиллик дарси», олти янги экспозицияларнинг очилиши ҳамда концерт дастурлари ташкил этилиши маълум қилинди.

«Ниҳол» мукофоти совриндорлари иштирокидаги дилтортар концерт дастури тадбирга яқун ясади.

**Парвина ОМОНОВА,**  
«Turkiston» мухбири

## Ilm sarhadlarida

# Ёш геологларимиз электрон харита яратмоқда

(Давоми, аввали 1-саҳифада)

— Илм-фан ҳам бир жойда тўхтаб қолгани йўқ. Бугунги кунда геологик хариталарни яратиш усуллари такомиллашди, — давом этади ёш олим. — Эндиликда уларнинг электрон вариантларига талаб катта. Электрон форматда харитани янгилаш осон. Бунда, аввало, вақт ва ресурс тежалади. Ўзгаришларни махсус компьютер дастурига киритсангиз, кифоя — янги харита тайёр. Бироқ электрон харитани яратиш анча машаққатли иш. Дастлаб космик фотосуратларга ишлов берилиб, оқ-қорадан рангли форматга ўгирилади. Кейин амалдаги геологик, геофизик ва геохимёвий хариталар билан солиштирилади ҳамда экспедиция жараёнида қайта текширилади. Ерни масофадан зондлаш фазо станциялари ёки ҳаво лайнерларидаги фотоускуналар ёрдамида уни суратга олиш демакдир.

Бўлимимиз аэрокосмик суратларни ўқиш билан шуғулланади. Ҳозирча ушбу суратларга қараб Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Навоий вилоятларининг электрон хариталарини ишлаб чиқдик. Харита аниқ бўлиши учун ундаги маълумотларни реал шароит билан таққослаш керак. Шу мақсадда геологик экспедицияларга чиқамиз. Ўтган йили мен Давлат геология қўмитаси томонидан Навоийда ёш геологлар учун ташкил этилган семинар-тренинг доирасида

Марказий Қизилқум бўйлаб экспедицияда бўлдим. Шунингдек, илмий раҳбарим, геология-минералогия фанлари доктори Саидносим Боқиев билан бирга Тошкент вилояти ҳудудидаги Чотқол ва Қурама тоғларини ўрганиб қайтдик.

Электрон харита — дастурий маҳсулот. Демак, у билан ишлаш ва айниқса, ишлаб чиқиш ахборот технологияларини мукамал билишни тақозо қилади. Материалларнинг космогеологик талқини бўлими мутахассислари INVE 7.4, ERDAS 9.2, ArcView 9.2 каби замонавий дастурлар билан ишлайди. Бу бўйича улар ҳар йили малака оширади. Шу билан бирга Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистондаги илмий марказлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Айни вақтда Шаҳноза Убайдуллаева Жанубий Кореянинг амалий космогеологик тадқиқотлар институтига боришга тайёргарлик кўрмоқда. Ўтган йили у илмий маърузаси билан Россияда ўтказилган Халқаро геологлар анжуманида қатнашди. Мақола ва тезислари Москва давлат университетининг тўплами ҳамда республикамизнинг бир қатор нуфузли илмий нашрларида чоп этилган.

Шаҳнозанинг илмий иқтидори талабалик пайтиданок бўй кўрсатди. Бакалавриятда Мирзо Улуғбек номидаги давлат стипендиясига сазовор бўлди. Уч ўқув йили давомида Ўзбекистон Миллий университети стипендиясини олди. Геология факультетидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий



ҳаракати бошланғич ташкилоти фаолиятида қатнашди.

Ерни масофадан зондлаш ва ГИС-технологиялар марказида ҳам Шаҳноза тиришқоқлиги билан ҳамкасблари эътиборига тушган. Ўтган йили у корхонанинг энг яхши мутахассиси, деб топилди. Давлат геология қўмитаси томонидан ташкил этилган «Йилнинг энг яхши ёш геологи» танловида қолиб бўлди.

— Режаларим кўп, — дейди қахрамонимиз. — Биринчи навбатда, геологик хариталар учун дистанцион асослар яратишга бағишланган тадқиқотни муваффақиятли якунламоқчиман. Бу йил экспедиция доирасида

Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларини қамраб оляпмиз.

Келгусида молибденнинг миграцияси бўйича докторлик диссертациясини ёқламоқчиман. Ҳозир инглиз тилини ўрганапман. Мақсадим — илм соҳасида халқаро даражага чиқиш.

Юртимиз ёшларининг интеллектуал салоҳияти юқори. Ишонаманки, биз, албатта, дунё олимлари билан бемалол рақобатлаша оламиз.

**Наргиза УМАРОВА,**  
«Turkiston» мухбири.

*Рустам Назарматов олган сурат.*

## Iste'dod



## Муסיқа Ва бадиий ижод сеҳри

В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган муסיқа академик лицейининг 5-синф ўқувчиси Солиҳ Исмоилов виолончелда жаҳон муסיқасининг дурдона асарларини маҳорат билан чалади. 10 ёшида «Икки қуш» куйини басталаган.

Солиҳ адабиётга ҳам қизиқади. Худойберди Тўхтабоев, Анвар Обиджон, жаҳон адабиёти-

дан Ханс Кристиан Андерсен асарларини севиб мутолаа қилади. Ўзи ҳам бадиий ижодга ҳавасманд. Унинг «Уч сеҳрли пат» номли эртақлар тўплами чоп этилган. Республика нашрларида ижодий ишлари билан қатнашиб келади.

**Рустам Назарматов фотолавласи**

## Янгилашиш муваффақиятга ундайди

Янги ўқув йилини Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали талабалари янги бинода бошлади.

Институтнинг беш юз ўринга мўлжалланган мазкур биноси учун олти миллиард саккиз юз миллион сўмликдан зиёд бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

— Кенг ва ёруғ, шинам ва озода аудиториялар, ўқув-лаборатория, маънавият-маърифат хоналари, конференция ва спорт залларини кўриб кўзингиз қувонади. Кўркам ахборот-ресурс маркази, талабалар турар-жойида яратилган шарт-шароитлар аввалгисига нисбатан янада такомиллаштирилган, — дейди филиалнинг даволаш иши факультети олтинчи курс талабаси Гулистон Жусупбоева. — Замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган, жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган ўқув-клиник лаборато-

рия эса бизларга ҳақиқий байрам тўғриси бўлди. Бу ерда оладиган билим ва тажрибаларимиз келажақда бошлайдиган иш фаолиятимизда жуда асқотади.

Дастлаб битта йўналиш бўйича юз нафар талаба таҳсил олган ушбу билим масканида бугун беш йўналишда бир минг беш юз нафардан зиёд йигит-қиз таҳсил олмақда. Тенгдошларимиз шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, умумий амалиёт шифокори ва клиника ординатори сингари мутахассисликлар бўйича соғлиқни сақлаш соҳаси раванқига муносиб ҳисса қўшишга астойдил интилмоқда. Зеро, янги бинода яхши билим олишнинг ўзгача гашти ва шунга муносиб масъулияти бўлади.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ**

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

# Иқболли баланд ёшлар

## ГУЛБАХОРНИНГ «БАХОР ИЛҲОМИ»

Гулбахор Рухиддинова Паркент тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежини битириб, Чуқурсойдаги «Байтекс» текстиль корхонасида иш бошлади. Уддабурон қиз қисқа муддатда хомашёни тайёр маҳсулот ҳолига келтиргунгача бўлган барча жараёни миридан-сиригача ўрганиб олди. Бир куни ишдан қайтгач, ҳовлидаги дорга осилган болалар кийимига кўзи тушди. Дикқат билан разм солди. Матонинг сифати, ранги, либоснинг бичими, тикилиш услуби — ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулот билан икки томчи сувдек ўхшаш. Фарқ фақат ёрликда.

— Келинойи, мана буларни ким олиб келди? — деб сўради янгасидан.

— Мен.

— Қаердан олдингиз, қанча экан?

Бозордан олинган кийимларнинг нархини эшитиб, таажжуби икки карра ошди. «Эсизгина, бунинг пулига ўзимизникидан беш-олтитасини олса бўларкан-а», деб ўйлади.

Шу воқеа сабаб Гулбахор кўпдан буён ўйлаб юрган режасини амалга оширишга киришди. Ўзининг шахсий жамғармаси ва уйдагиларнинг кўмагида бир неча замонавий тикув дастгоҳи сотиб олиб, 20 нафар тикувчи-бичувчи билан иш бошлади. Яхши ниятлар билан «Баҳор илҳоми» деб ном берилган мазкур корхона маҳсулотлари бозорда дарров ўз харидорини топди. Мактабгача таълим муассасалари, шифоналардан ҳам буюртма туша бошлади. Хуллас, иш юришиб кетди. Оддий қишлоқ қизлари тайёрлаган трикотаж буюмлар бозорнинг олд маҳсулотларидан бирига айланди.

У ишлаб чиқариш қуввати, маҳсулот микдори ва сифатини ошириш борасида изланди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этиладиган «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» аънавий танловида қатнашди. Пухта ўйланган аниқ бизнес режа, коллежда олинган билим ва «Байтекс»да орттирилган тажриба қўл келди. «Замонавий технологиялар асосида болалар кийимини ишлаб чиқариш» номли бизнес режаси аввал туман, сўнгра вилоятда энг яхши, деб тан олинди. Мамлакат босқичидаги голиблик унга имтиёзли кредит олиш имкониятини туғдирди. Натижада хориждан яна 15 та тикув дастгоҳи келтириб ўрнатилди ва ишчилар сони 45 нафарга етди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши билан ходимлар манфаатдорлиги ҳам муттасил ошиб бормоқда.

Айни пайтда «Баҳор илҳоми»да тайёрланаётган болалар ва катталар учун миллий бичимдаги замонавий кийим-



кечаклар мижозларга пешмапеш етказиб берилаётир.

Дарвоқе, ўтган йили Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Гулбахорнинг оилавий корхонасига чет элдан бир гуруҳ ишбилармонларни олиб келди. Хорижликларга бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар маъқул келиб, ҳамкорлик қилишни таклиф этди.

## ИШОНЧГА МУНОСИБ БЎЛИШ БАХТИ

Эркин ва юнон-рум кураши бўйича мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари жорий йилнинг 8-14 сентябрь кунлари Тошкентда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида пухта тайёргарлик кўрмоқда. Улар орасида зангиоталик Иброҳим Нуриддинов ҳам бор.

— 2003 йилнинг кузида қишлоғимизда спортнинг эркин кураш тури бўйича тўғарак ташкил этилди, — дейди Иброҳим. — Маҳаллаимиздан ҳам бир неча бола машғулотларга қатнай бошлади. Уларнинг бошқаларга нисбатан чайирлиги, эпчил ва жисмонан бақувватлиги ҳавасимни келтирарди. Улардек бўлишни орзу қилдим. Мендаги бу хоҳишни сезган отам тўғаракка олиб борди. Шу-шу машғулотларни сира қанда қилмадим.

Дастлабки йиллари у туман, вилоятда ўтказилган турли мусобақаларда юқори натижаларни қайд этди. 2009 йили мамлакат чемпионатида ўз вазн тоифасида юқори ўринни эгаллаб, эркин кураш бўйича миллий терма жамоа бош мураббийининг эътиборига тушди ва Дилшод Мансуров, Ихтиёр Наврўзов сингари дунё таниган полвонлар билан бир сафда шуғуллана бошлади. Ёш спортчининг қисқа муддатларда кўплаб нуфузли халқаро турнирларда совринли ўринларни қўлга киритишида мураббий Аҳмаджон Очиловнинг сабоқлари, жамоадошларининг тавсиялари қўл келди. 2010 йилда Хитойда ўтказилган ўсмирлар

ўртасидаги Осиё биринчилигида иккинчи ўринни банд этди. Лекин...

— Ўшанда аламдан, мағлубият аламидан кўз ёшларимни тиёлмадим, — дейди у. — Аниқ эсимда, голибларга медаль ва диплом топширилгач, биринчи ўринни эгаллаган спортчи давлатининг мадҳияси янграб, байроғи баланд кўтарилганда, ичимда нимадир чирт узилгандек бўлди. Ўзимни жуда ёмон ҳис қилдим. Чунки, бироз ҳаракат қилганимда бизнинг байроғимиз ҳилпираган бўларди-да! Ростки, ўшанда қаттиқ тушкунликка берилиб, спорт билан хайрлашмоқчи ҳам бўлдим. Бироқ мураббийларим бунга йўл қўймади. Рухий ҳолатимни яхшилаб олишимда катта ёрдам берди. Кўп ўтмай, «спорт формам»га қайтдим. 2013 йил мамлакат чемпионлигига эришдим.

Ҳа, ўша воқеа унга сабоқ бўлди. Пойтахтимизда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида голиб бўлиб, мамлакатимиз байроғини кўқларга кўтариш, ҳануз дилини тилкалаётган ўша аламини қувонч ёшлари билан чиқариб ташлашни қалбига тугиб қўйган. Шунинг учун айни пайтда белгиланган юқлаамаларни қатъий интизом асосида ўз вақтида бажармоқда, тинимсиз меҳнат қилаётир.

— Машғулотлардан сўнг интернет орқали Президентимиз Ислоҳ Каримов FIFA рефериси Равшан Эрматовни «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлагани тўғрисидаги фармонни ўқиб, тўлқинланиб кетдим, — дейди ҳаяжон билан. — Равшан акага жуда ҳавасим келди. Мен ҳам бутун дунёни лол қолдирадиган шундай спортчи бўлишга, Президентимиз биз ёшларга билдираётган юксак ишонччи оқлашга қатъий аҳд қилдим. Ахир, давлатимиз раҳбари қўллаб-қувватлаб, ўзимизни намоеън этишимиз учун мадад бўлиб турмаса, барча шароит ва имкониятларни яратиб бермаса, бугунги ютуқлар бўлармиди? Йўқ, албатта. Шундай экан, биз ким бўлишимиздан қатъи назар, ана шу юксак ишонч, эътибор ва рағбатга муносиб бўлишимиз шарт.

## ОЛИМЖОННИНГ «РОБОТЖОН»И

Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг 2013 йил 1 апрелда бўлиб ўтган сессиясида Президентимиз Ислоҳ Каримов бекободлик ёш ихтирочи Олимжон Тўйчиев билан ҳам суҳбатлашди. У давлатимиз раҳбарига робототехника йўналишидаги илмий изланишлари ҳақида сўзлаб берди: «Дунёда овоз орқали бошқариладиган роботлар кўп. Лекин бизнинг ихтиро ўзбек тилини тушундиган ягона робот...»

Олимжоннинг ўқувчилик йиллари тенгдошлариникидан кўп фарқ қилмайди: дарсдан кейин отасига қарашди, машиналарни бутлаб, таъмирлади. Бўш вақтларида қизиқишларини рўёбга чиқариш тадоригида бўлди, рус, инглиз, итальян, немис тилларини ўрганди, техникага тааллуқли адабиётларни топиб ўқиди. Хуллас, шу соҳанинг сирларини ўрганиш унинг учун энг қизиқарли машғулотга айланди. Автомобилнинг қандай, ниманинг эвазига ишлаши, зарур қисмларнинг жойлашиш структураси кўпроқ қизиқтирди. Айниқса, «Ўзметкомбинат»да ўтган қисқа амалиёт даври унда жуда катта таассурот қолдирди, йирик ишлаб чиқариш техника ва технологиялари билан яқиндан танишди. Келгусида робототехника бўйича етук мутахассис бўлиш истаги мақсадга айланди. Бу уни Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Тошкентдаги Турин политехника университетида етаклади. Таҳсил давомида университет қошида очилган мехатроника марказида илмий изланишлар олиб борди. Йирик корхоналарда зарур бўладиган техника ва мосламалар устида ишлаб, муваффақиятга эришди. Кўпдан буён ўйлаб юрган режасини амалга оширди — масофадан туриб, овоз орқали бошқариладиган робот яратди. Бу ихтироси билан у 2012 йил университет талабалари ўртасида ташкил этилган танловда биринчи ўринни қўлга киритди.

Бўйи 58 сантиметр бўлган мазкур робот жуда содда кўринишга эга. Унинг ишлаш тизи-

мига ўзбек, рус, инглиз тиллари киритилган. Албатта, уни янада такомиллаштириш борасида маълум вақт ишлади. Курсдошлари Маҳмуд Султонов, Элдор Ҳасанов билан ҳамкорликда қилинган саъй-ҳаракатлар натижаси тезда намоеън бўлди — Сумолар оиласига мансуб роботлардан бири яратилди. Ўзбек тилини тушунадиган бўйи беш сантиметрли мазкур робот тажрибадан муваффақиятли ўтгач, унга «Роботжон» деб ном берди. Жорий йилнинг январь ойида Москва шаҳрида ўтказилган техникалар танловида ўзбекистонлик ёш олимларнинг иши биринчи ўринга муносиб кўрилди.

— Ўшанда Президентимизнинг «Маррани баланд олиб яшанг, эртанги кун бизники, сиздек шижоатли ёшларимизники!» деган даъватлари ёдимга тушди, — дейди О.Тўйчиев. — Ватанимиз мустақилликка эришмасидан аввал юртимизда истеъдодлар бўлган. Лекин уларга бугунгидек кенг шароит ва имконият яратилмаган. Истеъдодини юзага чиқариш учун майдон, давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, юксак парвоз учун қанот бўлмаган. Мустақилликнинг, озод ва эркин яшашнинг қадрини кенгроқ тушундим ўшанда. Президентимизнинг куюниб гапирдишлари моҳиятини робототехника соҳасида дунёда етакчилик қилаётган давлатлар қолиб, айнан биз — Ўзбекистон вакиллари голиб бўлганда янада теранроқ тушуниб етдим. Мустақил юрт фарзанди эканимдан, мени ҳаммиша қўллаб, руҳлантириб турадиган, керак бўлса, елкасини тутиб қанот бўладиган Юртбошимиз борлигидан чексиз гурур-ифтихор туйдим.

Олимжон айни кунларда битирув малакавий ишини ҳимоя қилмоқда.

— Тўрт йил кўз очиб-юмгунча ўтиб кетди, — дейди у. — Ўқиш даврида қатор Европа мамлакатларида бўлиб, юқори малакали мутахассислар билан тажриба алмашдим. Бунда чет тилларини ўрганганим жуда қўл келди. Улар менга техника соҳасига доир кўпгина илмий китоблар совға қилди. Ниятим, уларни ўзбек тилига ўгириб, мамлакатимизда мазкур соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиш. Президентимиз, халқимизнинг биз, ёшларга билдираётган юксак ишончини оқлаш.

Ўзининг ноёб иқтидори, улкан салоҳияти ва кучи билан дунё аҳлини ҳайратга солаётган, жаҳон илм-фани, ишлаб чиқариш, маданият ва спорт оламига дадил қадамлар билан кириб бораётган, ўз ўрни, ўз мустақил фикри, ўз овозига эга ёшларимиз жуда кўп. Улар бугун сизу бизнинг орамизда, ўқишда, ишхонада, кўчада ёнма-ён юрибди. Улар эришаётган ютуқ ва марралар бизга чексиз гурур-ифтихор бахш этиш билан бирга, ўзгаларнинг ҳам ҳавасини тортмоқда. Булар Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг амалдаги ифодасидир.

Бекзод ХИДОЯТОВ,  
ЎЗА муҳбири

San'at

# Бунёдкорлик Ва барқарорликнинг ижодий ифродаси

Тошкент фотосуратлар уйида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» мавзуида фото-кўргазма бўлиб ўтмоқда. Унда таниқли ва ёш фотожурналистларнинг асарлари намойиш этилган.



Истиқлол йилларида юртимиздаги барча соҳалар раванқ топди, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кийёфаси, юртдошларимизнинг онгу тафаккури, ҳаёти тубдан ўзгарди. Мустақиллик берган улугъ неъмат — тинчлик ва барқарорлик бугун олдимизга катта мақсадлар қўйиб яшаш, юксак марраларга эришиш имконини бермоқда. Бу фотоижодкор асарларида тарихга қандай муҳрланади?

Экспозициядан ўрин олган ҳар бир сурат бу саволга сўзсиз жавоб бераётгандек гўё. Хур диёримизнинг гўзал манзаралари,

узоқ ва яқин манзиллари, олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, шу юртда яшаш завқини туйган одамларнинг ёруғ чеҳраларию истиқлол фарзандларининг катта одимлари — барчаси



кўз ўнгингизда намоеён бўлади.

Аксарият фото ишларда ижтимоий мавзу етакчи. Хусусан, уларда соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларидаги ислохотлар ва эришилган натижалар ўз аксини топган.

— Мустақиллик шарофати билан санъатнинг кўплаб йўналиш-

лари каби фотография ҳам янги андозалар асосида ривожланди, — дейди фотожурналист Ҳасан Пайдоев. — Айниқса, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани мени беҳад мамнун этади. Юртимизда анъанавий Тошкент Фотобиеннаlesi каби халқаро даражадаги нуфузли тадбирлар, маҳорат дарслари ва кўргазмаларнинг ташкил этилиши ишларимизни жаҳонга танитиш имконини бермоқда. Мен фотожурналистман. Фаолиятим давомида турли инсонлар билан учрашаман. Фотокамерам объективи уларнинг кундалик турмуши, меҳнату машаққати, орзу-интилишларини муҳрлайди. Ўйлаб қарасам, шу суратлар орқали кеча, бугун ва эртанги кунимизни кўриш мумкин. Кўргазма барчамизга ана шундай имкониятни тақдим этди.

**Наргиза БАХОДИРОВА**  
Рустам Назарматов олган сурат

## Ҳар юракда Ватан сурати

Тасвирий санъат дарсида ўқитувчимиз уйга вазифа сифатида Ватан суратини қоғозга тушириб келишимизни айтди. Ҳар доимгидек, кимнинг чизган расми чиройли бўлса, аъло баҳо олажагини қўшиб қўяр экан, ўйланиб қолдим. Расм-чизишни-ку, унча-мунча ўрганиб олганман, лекин Ватаннинг суратини қандай чизаман?.. Уйга келгач, бор гапни онамга айтганимда, у киши кулиб қўйганлари ёдимда: «Бўлмаса, ўғлим, сен оиламизнинг суратини чиз».

Келгуси дарсда синфдошларимнинг бир мавзуда турфа хил сурат чизганини кўрдим. Кейинроқ англадимки, Ватан — битта бўлгани билан, уни ҳар ким ўз нигоҳи билан кўрар, севар экан.

Зомин туманидаги 12-болалар мусиқа ва санъат мактабида мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллик байрами муносабати билан ўтказилган расмлар танлови ҳам Ватан мавзусига бағишланди. Унда ўқувчи-ёшларга

«Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида завқланиб, маҳоратини яна бир бор намоеён қилиш имкони яратилди. Танлов туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, «Камолот» ЁИХ туман кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси, «Баркамол авлод» болалар ижодиёт маркази



билан ҳамкорликда ташкил этилди.


— Танлов иштирокчилари мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, барпо этилган иншоотлар, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда юз бераётган янгиликлар ва ривожланиш жараёни, она Ватанимизнинг гўзал табиати акс эттирди, — дейди «Камолот» ЁИХ Зомин тумани кенгаши раиси Фанишер Сайдуллаев.

Танлов якунига кўра, 12-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Жавоҳир Туратов биринчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, Фурқат Раимов, Хумора Ҳамдамова, Диёрбек Абдуғафоров, Рўзбой Ботиров сингари умидли мусаввирларнинг ижодий ишлари ҳам юқори баҳоланиб, муносиб рағбатлантирилди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ**

Гўзаллик ва муҳаббат, садоқат ва вафо рамзи саналмиш гулларни парвариш этишда наманганлик юртдошларимизга етадигани йўқ. Вилоятнинг қай бир ҳудуди, кўчаю хиёбонига қараманг, саранжом-саришталикка, ифори дилларга завқ бағишлагувчи манзарага дуч келасиз.

## Гул байрамида истиқлол рамзи



Наманган шаҳридаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган 54-анъанавий гул байрами катта сайилга айланди.

Тадбирда корхоналар, ташкилотлар жамоалари, шунингдек, Андижон, Фарғона, Қўқон, Марғилон, Қувасойдан келган ҳаваскор ва уста гулчилар боғни байрамонга безатдилар. «Тинчлик» стелласи майдонида тасвирий санъат усталари томонидан ажойиб манзара ҳосил қилинди. Гуллардан бу йилги мучал рамзи туширилган от тасвири, «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу гоа акс этган композициялар кўпчиликка яхши таассуротлар берди.

Тадбирнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Баҳодир Юсупов ва вилоятдаги ташкилотлар раҳбарлари байрамда иштирок этган меҳнат жамоалари вакиллари билан учрашдилар. Вилоят ҳокими академик лицей ва касбхунара коллежларини биттириб, республикамиздаги ва хориждаги нуфузлий олий ўқув юрларининг талабаси бўлиш бахтига эришган бир гуруҳ ёшлар билан суҳбатлашди.

Боғда ташкил этилган кўргазмалар, стендлар гул кўринишидаги санъат асарлари байрамга таш-

риф буюрган Фарғона водийси, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари, Тошкент шаҳри, шунингдек, чет эллик меҳмонларга ҳам кўтаринки кайфият бахш этди. Байрамда гул савдоси ташкил этилди. Бир-бирдан қизиқарли тадбирлар, томошалар байрамнинг мазмунли ўтишини таъминлади. Куй-қўшиқлар, ичакузди хангомалар, пайровлар, дорбозлар томошаси дилларга кўтаринки кайфият улашди.

Боғдаги «Наво» ёзги амфитеатрида гул байрами голибларини тақдирлаш маросими ва эстрада хонандалари иштирокидаги концерт байрамонга руҳда ўтди.

Дастур доирасидаги танловда ҳаваскор гулчи Обидхон Қодиров бош совринга лойиқ топилди. Уста гулчи Жўраҳон Мўминов ва Наманган шаҳар ободонлаштириш бошқармаси биринчи, гулчи Боситхон Нуриддинов ва Наманган шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин эса гулчи Абдурахим Каримов ва Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмасига насиб этди. Танлов голиблари ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Гулчеҳра БУВАМИРЗАЕВА,**  
Наманган вилояти

## Ayyom tuhfası



## Янги боғ яхши кайфият бахш этмоқда

Навоий шаҳар маданият ва истироҳат боғи мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллиги муносабати билан таъмирланиб, янги қиёфа касб этди. Бундан атиги бир неча ой олдин бу ерда бўлган киши, боғдаги бугунги ўзгариш ва янгилликларни кўриб ҳайратга тушиши аниқ.

«Болалар поездчаси», «Қувноқ чархпалак», «Батут», «Занжирли ўйингоҳ» сингари ўн тўрт хил янги аттракцион эртақнамо муҳит ҳосил қилган. Дид билан ўтқазилган турли манзарали дарахт ва гул кўчатлари кишига эстетик завқ бағишлайди. Янги мусиқали фаввора эса ҳам чиройи, ҳам атрофга тартиб турган салқин ҳавоси билан кишини ром этади.

— Истироҳат боғида бир миллиард саккиз юз миллион сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Натижада оилавий ҳордиқ чиқариш учун ҳам қулайлик яратилди. Яъни юртошларимиз оилавий

келиб, ширин суҳбат қуришлари, боғ гўзаллигидан баҳра олишлари мумкин. Иккита сунъий қопламали майдонча спортсеварлар учун, икки юз ўринли амфитеатр санъат ихлосмандлари учун туҳфа, — дейди Навоий вилояти давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси директор ўринбосари Фулом Ҳусанов.

Истироҳат боғи, аynиқса оқшом пайтлари гавжум бўлади. Рангбаранг чироқлар нурида камалак тусга кирадиган майдон болаларнинг шўх-шодон қийқириқлари билан янада кўркам, оромбахш бўлади. Мусиқали фаввора ёнида жойлашган

учта савдо шохобчаси меҳмонларга беминнат хизмат кўрсатмоқда. Истироҳат боғига кираверишда яна бир фаввора барпо этилган.

— Истироҳат боғининг қайта қурилиши биз, навоийликлар учун ҳақиқий совға бўлди, — дейди ушбу боққа келган юртдошимиз Инобат Кенжаева. — Бу ерга деярли ҳар куни оиламиз билан келамиз. Болаларнинг беғубор кулгиси, ёқимли куй-қўшиқ ҳамда хурсандчиликдан кун давомида йиғилган чарчоқ ҳам ўз-ўзидан йўқолади. Истиқлол берган бу каби имкониятлардан гурурланиб, бугунги тинч, дорилон кунимизга шукрона айтамиз.

Юртимизнинг барча гўшаларида байрам шукӯҳи. Халқимиз улуғ айёмни мана шундай кўтаринки кайфиятда нишонламоқда.

**Дилдора КАТТАЕВА,**  
Навоий вилояти

«ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ»  
ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИ

— Ҳар бир юртининг ўз тимсоллари бўлади. Мен кўп вақт хоризж мамлакатларида бўлиб ана шундай тимсолларни кўрганман. Тошкентдаги Мустақиллик майдони, Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларимиздаги бетакрор обидалар юртимизнинг ана шундай тимсолларидир. Пойтахтимизда бўлиб ўтган «Истиқлол фарзандлари» ёшлар фестивалида биз, Ўзбекистон фарзандлари биргаликда Мустақиллик майдонига бордик. Мустақиллик ва эзгулик монументи қошига бориб, шаҳарга боққан киши қалбида чексиз фахр ва ғурур туйғуларини ҳис қилди. Бадий гимнастика бўйича жаҳон ва қитъа миқёсида ўтказилган мусобақаларда шохсупанинг энг юқори поғонасида турганимда қандай туйғулар кечган бўлса, Мустақиллик майдонидан бўлганимизда шундай ҳислар оғушида қолдим.

Фестивалда ёш олимлар, турли фан олимпиадалари ғолиблари, чемпионлар билан танишдим. Қанча ютуқларга эришмасин, жуда камтар, самимий, бировдан ёрдамини аямайдиган ёшлардан кўп нарса ўргандим. Юртимизда яшовчи барча иқтидорли тендошларим билан келгусида ҳамкорлик қилиб туришга келишдик. Фестиваль биз, Ўзбекистон ёшларини янада яқинлаштирди.



**Шоҳиста Рашидова,**  
Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби:



**Ҳусан Тожмуродов,**  
Бўка агросаноат ва транспорт касб-хунар коллежи ўқувчиси:

— Пойтахтимизда ўтказилган чинакам ёшлар байрами — «Истиқлол фарзандлари» фестивалидан олган таассуротларимни тендошларимга гапириб адо қилолмаяман.

Фестиваль доирасида давлат органлари вакиллари билан юзма-юз суҳбатладик. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан учрашдик. Улар қонунларнинг ишлаб чиқилишидан тортиб, қабул қилинишигача бўлган жараёнлар ҳақида бизга батафсил гапириб бердилар. Фурсатдан фойдаланиб, биз ҳам ўз мулоҳазаларимизни билдирдик, жумладан, ёшларга оид қонунлар бўйича таклифларимизни айтдик. Шунингдек, фестивалнинг учинчи куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академиясида бўлиб, у ерда билим олиш учун яратилган имкониятлар билан танишдик. Узимизни қизиқтирган саволларга Академия ректори Абдужаббор Абувоҳидовдан жавоб олдик.

«Эл-юрт ҳурмати» ордени, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби, ФИФА рефериси Равшан Эрматов билан учрашишни кўпдан буён орзу қилардим. «Истиқлол фарзандлари» пойтахтимиздаги «Бунёдкор» стадионида шу орзумни рўёбга чиқарди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ  
қўйидаги ихтисосликлар бўйича 2015 йил учун Академия катта илмий ходим-изланувчи ҳамда мустақил-изланувчиликка қабул эълон қилади**КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ-ИЗЛАНУВЧИ:**  
(ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ҲОЛДА ЎҚИШ УЧУН)

07.00.10 — **Ижтимоий-сиёсий институтлар ва жараёнлар тарихи** — 1 та ўрин  
07.00.11 — **Миллий хавфсизлик муаммолари** — 2 та ўрин (тарих, ҳуқуқ, иқтисод йўналишлари бўйича);  
08.00.13 — **Менежмент** — 2 та ўрин (стратегик менежменти ва қарорлар қабул қилиш назарияси йўналишлари бўйича);  
12.00.01 — **Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи** — 1 та ўрин  
12.00.02 — **Конституциявий ҳуқуқ ва бошқарув, маъмурий ҳуқуқ, молия ва божхона ҳуқуқи** — 1 та ўрин

**Талаб қилинадиган ҳужжатлар:**

— ариза;  
— маълумотнома;  
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;  
— диплом нусхаси;  
— тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;

— илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта) ҳамда тезислар (камида иккита) нусхаси;  
— илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси (фан номзоди дипломига эга талабгорлар бундан мустасно);  
— илмий консультант сифатида етакчи олимлардан бирининг ёзма розилиги.  
— Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

**Қабул имтиҳонлари рўйхати:**

— Мутахассислик  
— Ўзбекистон тарихи  
— Фаннинг билиш назарияси ва методологияси  
— Информацион технология асослари  
— Чет тили

Ҳужжатлар шу йилнинг 15 октябридан 15 ноябригача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент ш., Ўзбекистон шох кўчаси, 45-уй, Мурожаат учун тел: 232-61-42. Элект.манзил: www.dba.uz

**МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИ:**  
(ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА ЎҚИШ УЧУН)

07.00.10 — **Ижтимоий-сиёсий институтлар ва жараёнлар тарихи** — 1 та ўрин  
07.00.11 — **Миллий хавфсизлик муаммолари** — 2 та ўрин (тарих, ҳуқуқ, иқтисод йўналишлари бўйича);  
08.00.13 — **Менежмент** — 2 та ўрин (стратегик менежменти ва қарорлар қабул қилиш назарияси йўналишлари бўйича);  
12.00.01 — **Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи** — 1 та ўрин  
12.00.02 — **Конституциявий ҳуқуқ ва бошқарув, маъмурий ҳуқуқ, молия ва божхона ҳуқуқи** — 1 та ўрин

**Талаб қилинадиган ҳужжатлар:**

— ариза;  
— иш жойидан тавсифнома;  
— маълумотнома;  
— олий таълим ёки фан номзоди тўғрисидаги диплом нусхаси;  
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;  
— талабгорнинг илмий ва илмий-тадқиқот фаолиятга лаёқати юзасидан тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси;  
— илмий ишлар ва илмий ҳисоботлар (патентлар) рўйхати.

## Vatan himoyasi — muqaddas burch

# Мустақил юртининг мустаҳкам қалқонлари



«Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида кенг кўламли байрам тадбирлари давом этаётган шуқуҳли кунларда Мудофаа вазирлигига қарашли олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кирган курсантларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросимлари бўлиб ўтди.

Шундай тадбирлардан бири пойтахтимиздаги «Ватанга қасамёд» ҳайкали олдида ўтказилди. Ушбу тантанали маросимнинг айнан шу монумент қошида ўтказилиши бежиз эмас. Негаки, дуога қўл очиб, аскар ўғлини ҳарбий хизматга кузатаётган она сиймоси тасвирланган ушбу композиция ҳар бир курсантга ўз ортида онаси, Ватани турганини эслатиб туради.

Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетига қабул қилинган курсантларнинг саф тортиши, уларнинг шахдам қадамларига ҳамоҳанг ҳарбий оркестр ижроси қалбларга ўзгача ғурур, шижоат бағишлади. Айниқса, бу хурсандчилик тантанали маросимга йиғилган ота-оналарнинг юз-кўзида яққол акс этди.

Тадбирда қатнашган Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, вазирлик

ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ота-оналар Ўзбекистон Қуролли Кучлари мамлакатимиз мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, тинч ва осуда ҳаётимизни ҳимоя қилишнинг мустаҳкам таянчи бўлиб келаётгани, ҳарбий хизмат ёшларимиз учун ҳақиқий мардлик, чиниқш ва тобланиш мактабига айланиб бораётганини таъкидлаб, эгнига ҳарбий либос кийган ўғлонларга юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларига муваффақият тилади.

Шарафли касб — офицерлик сари илк қадам ташлаётган курсантларнинг қувончи чексиз. Бу қувончга шерик бўлаётган ота-оналарнинг хурсандчилиги эса бир олам.

— Бугун мен ҳарбий қасамёд қабул қилдим, — дейди Наманган вилоятидан келган курсант Илёс Аҳмаджонов. — Энди Андижон

тиббиёт институтида олган билимларимни Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетига мустаҳкамлайман. Бу ерда устозларим кўмагида ҳарбийлик ва ҳарбий шифокорликни, тиббий хизмат кўрсатиш ва даволашни ўрганиб, ўз касбимнинг етук мутахассиси бўлмоқчиман. Ҳар қандай шароитда ҳам машаққатлардан асло чекинмайман. Шунинг учун Ватан, халқим олдида қасамёд қабул қилдим.

— Ўғлим Лочинбекни ҳарбий либосда кўриб, шодлигимдан кўзимга ёш қалқди, — дейди Хатирчи туманидаги Каттасой қишлоғидан келган Жамила ая Даминова. — Лочинбек ёшлигидан акасига ҳавас қилиб, ҳарбий бўлишга интилди. Бугун у ўз мақсадига эришди. Ҳар доим исмига мос бўлиш учун ҳарбий учувчи бўлишни орзу қиларди. Биз бир пайтлар ўқиш нималигини билмай, оддий колхозчи бўлиб қолганмиз. Шукрки, истиқлол туфайли фарзандларимиз бизга армон бўлган шароитларда, замонавий таълим муассасаларида ўқияпти. Улар мустақиллигимизнинг мустаҳкам қалқонларидир. Бундай шароит ва имкониятларга муносиб бўлиш, халқимиз ва давлатимиз ишончини оқлаш учун берилиб ўқиш керак.

Ҳарбий қасамёд қабул қилиш тадбирлари Мудофаа вазирлигига қарашли барча олий ҳарбий таълим муассасалари — Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти, Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети, Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида ҳам кўтаринкилик билан ўтди.

Бу қутлуғ кун миллий армиямизнинг фахр-ифтихори бўлишга бел боғлаган курсантларнинг хотирасидан ўчмайди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик шодиёналари юртимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида ўтказилаётган байрам тадбирларида аждодларимизнинг асрий орзуси — хурлик, озодлик йўлида чеккан заҳматлари ҳақида гапирилиб, миллий ўзлигимизни англаган, қаддимизни тиклаган истиқлолга шукроналар айтилмоқда.

## Сенга хизмат қилмоқ — шарафим!

Ана шундай байрам тантаналаридан бири Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий аппаратида бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазир генерал-полковник Қобил Бердиев байрам иштирокчиларини мустақиллигимизнинг 23 йиллиги билан табриклаб, Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган изчил ислохотлар натижасида мамлакатимиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, тинч ва осуда ҳаётимизни ҳимоя қилишнинг мустаҳкам таянчи бўлган Қуролли Кучларга эга бўлганимизни таъкидлади. Шунингдек, истиқлол йилларида миллий армиямизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, ҳарбий хизмат ёшларимиз учун мардлик, чиниқш ва тобланиш мактабига айлангани, давлатнинг мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасидаги сиёсатини амалга ошириш ва ривожлантиришга фуқаролар ва жамоат ташкилотлари жалб қилинаётганига эътибор қаратди.

Бугун улкан ютуқ ва юксак марраларимизнинг халқаро майдонда эътироф этилаётгани, Ватанимиз салоҳияти, моддий, иқтисодий ва интеллектуал куч-қудратимиз тобора ошиб, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси йил сайин ўзгариб бораётгани ҳар биримизга чексиз ғурур ва фахр бағишлайди.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» муҳбири

## Оловқалб ўғлонлар

Бугун юртимизнинг ҳар бир жабҳасида бўлгани каби Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида ҳам қўшалок байрам. Бу ерда мустақиллигимизнинг 23 йиллик шодиёналари билан бирга 1-босқичга қабул қилинган курсантларнинг тантанали қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабининг ички ишлар идоралари учун малакали мутахассисларни тайёрлаб беришдаги ўрни ва салоҳияти катта. Ушбу олий таълим муассасасини битирганлар нафақат ёнғин хавфсизлиги хизмати тизимларида, балки Ички ишлар вазир-

лигининг бошқа бўлинмаларида ҳам ўз хизмат бурчини ўтамоқда. Янги қабул қилинган курсантлар ҳам мазкур олий даргоҳни тамомлаган акалари сингари барча шароитларга эга замонавий ўқув биноларида таълим олади.


Тадбирда фаол ва аълочи курсантлар «Вазирлик сти-

пендияси» ва «Ички ишлар вазирлиги фахрий ёрлиги» билан тақдирланди.

Бу илм масканида Ватан шаънини ҳар нарсадан устун кўядиган, юрт тинчлиги, халқ осойишталигини таъминлаш учун ҳеч қандай хавф-хатардан чўчимайдиган оловқалб мутахассислар тайёрланади.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант А. Ахметбоев иштирок этди.

**Севинч ҚУРБОНОВА,**  
ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби ходими





## Маҳалла ёшлари учун қулайлик

Бухоро шаҳридаги «Кўксарой» маҳалла фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган тикувчилик марказида айни пайтда ўндан ортиқ ёшлар аппликация, компьютерда гулларни моделлаштириш, тиқиш-бичиш, зардўзлик хунарларини ўрганмоқда. «Устоз-шогирд» аънана асосида иш олиб

борилаётган марказда аҳоли буюртмасига кўра миллий либос ва сўзаналар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган.

**СУРАТДА:** марказ иш юритувчиси Дилноза Баротова.

**Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат.**

### Matonat

## Аравачага 1000 километр!

Наманган вилоятининг Поп туманида истиқомат қилувчи юртдошимиз Мавлон Тўраев ўзининг ногиронлик аравачасида минг километр масофани босиб ўтди.

Унинг саёҳати шу йилнинг 1 август куни бошланган эди. Автомобилда Ангрен шаҳрига келган Мавлон у ердан аравачада Олмалик шаҳри, Пискент ва Бука туманларига, сўнг пойтахтимиз орқали Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларига йўл олди.  
— Тинч-осойишта кунларимиз

учун Яратганга ҳамisha шуқр қилман, — дейди Мавлон Тўраев. — Телевизор орқали жонажон мамлакатимизнинг кундан-кун чирой очиб бораётганини кўриб, саёҳат қилиш фикри туғилди. Ахир, минг марта эшитгандан, бир марта бориб кўрган афзал-да! Сафарим давомида минг-минглаб ватан-

дошларимиз билан учрашиб суҳбатлашдим, ҳар қадамда уларнинг меҳрини ҳис қилдим. Насиб этса, энди Қашқадарё, Сурхондарё ва Навоий вилоятларига сафар қилмоқчиман. Менга ҳар томонлама кўмак бераётган Ўзбекистон ногиронлар жамияти ва бошқа ташкилотлардан миннатдорман.

Мавлон Тўраев 1 сентябрь куни пойтахтимизга етиб келди.

**Ашурали БОЙМУРОД,**  
«Turkiston» мухбири

### Sport

## Олимпиада сари муҳим қадам

Шу йилнинг 29 — 31 август кунлари Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ўтказилган таэквондо-нинг WTF йўналиши бўйича Гран-При мусобақасида ўзбекистонлик спортчилар юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Хусусан, терма жамоамиз аъзоси Жасур Бойқўзиёв ўз вазн тоифасида яна бир юртдошимиз Дмитрий Шокин билан бронза медал учун курашда устун келди. Шу билан бирга у ўз вазн тоифасида дунё рейтингига 7-ўриндан 5-ўринга кўтарилиб олди.

Жасур кейинги мусобақаларда ҳам яхши иштирок этиб, кучли олтиликдаги ўрнини рейтинг мусобақаларининг охирига қадар сақлаб қолса, 2016 йил Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритади.

## Терма жамоамиз «Девис кубоги»га

Теннис бўйича ҳамюртларимиз Денис Истомин, Фаррух Дўстов, Темур Исмоилов ҳамда Санжар Файзиев «Девис кубоги» мусобақасининг навбатдаги босқичида кортга чиқади.

Спортчиларимиз шу йилнинг 4 — 6 апрель кунлари Осиё-Океания минтақаси 1-гуруҳида Хитой Тайпейи теннисчилари устидан ғалаба қозонган эди. Энди эса, Австралия терма жамоаси билан кейинги босқич учун кураш олиб боради.

**Алибек ОМОНТУРДИЕВ,**  
«Turkiston» мухбири

### Dolzarb mavzu — muhokamada

## «Бўйга етди — тўйга етди»ми?

Ўн олти-ўн саккиз ёш инсон ўз ҳаётида энг муҳим қадамларни қўядиган давр. Келажақда олий ўқув юртида ўқийман, зўр мутахассис бўламан, дейди камида. Бироқ «Болам, бўйинг ҳам етиб қолди, энди...» деган сўзлар унинг юрагида ёниб турган истак-интилишларни сўндириши мумкин.

Кейинги йилларда қанча кўп гапирилмасин, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмасин, афсуски, айрим йигит-қизларнинг эрта турмуш кураётгани натижасида истеъдодларини юзага чиқара олмай қолмоқда. Академик лицей ёки касб-хунар коллежида ўқиётган қизини турмушга бериб юбораётган, олий таълим муассасасига ўқишга кириш учун астойдил ҳаракат қилаётган ўғлини уйлантириб қўяётган ота-оналар ҳамон учраб турибди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган дастурнинг 57-банди ижросини таъминлаш мақсадида жойларда тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилаёпти. Қарши шаҳар «Никоҳ уйи»да ташкил этилган учрашув ҳам шу мавзуга бағишланди.

Йиғилишда иштирок этган мутахассислар никоҳ ёшидаги йигит-қизларга тиббий кўрикнинг аҳамияти, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари ҳақида тушунча берди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, нуроний отахон ва онахонлар баъзи тўйларда ҳаддан ортиқ сарф-харажат, дабдаба, исрофгарчиликларга йўл қўйилаётганини афсус билан айтиб ўтдилар.

«Қамолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгаши ташаббуси билан Қарши шаҳридаги «Шодлик» ҳамда «Комилон» маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам шу каби учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилди.

**Шавкат ҚАРОМОВ,**  
«Turkiston» мухбири

### ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Чўпоннинг «Кеча ва кундуз» романидаги битмаган ишларни битириб юрадиган, «Эпақа» лақабли қаҳрамоннинг исми ким?

Жавобингизни 5 сентябрь соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97 рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби: «Масъуд қонуни».

Бўстонлик туманидан Дилмурод Аҳмедов тўғри жавоб йўллади.

### YONDAFTARCHANGIZGA

Кичкина бир яхшилик қилиш учун ҳам одам (балки буюк одам) бўлиш керак; катта ёмонлик қилишга кичик одам ҳам қодир.

**Асқад Мухтор**